

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ

“2016-2017 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР, ОЛИЙ ВА  
ОЛИЙ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎТКАЗИЛГАН ТЕСТ  
СИНОВЛАРИ ЯКУНЛАРИ”

ТОШКЕНТ-2016

## **ПРЕСС-РЕЛИЗ**

“2016-2017 ўқув йилида ўрта махсус, касб-хунар, олий ва олий ҳарбий таълим муассасаларида ўтказилган тест синовлари яқунлари тўғрисида”  
матбуот анжумани учун

Матбуот анжуманида 2016-2017 ўқув йилида ўрта махсус, касб-хунар, олий ва олий ҳарбий таълим муассасаларида ўтказилган тест синовлари яқунлари тўғрисида маъруза тингланди.

### **I. Ўрта махсус, касб-хунар таълими бўйича:**

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 июндаги “Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқитиш билан қамраб олишни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 109 ва 2016 йил 23 майдаги “2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги 167-сонли қарорларига асосан Республика бўйича 174 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида саралаш тест синовлари ўтказилди.

Саралаш тест синовларида 138 214 нафар ўқувчилар иштирок этди. Саралаш тест синовларини ўтказиш учун умумий ўрта таълим тизимида жорий этилган давлат таълим стандартлари доирасида 10 мингдан ортиқ тест саволлари жамғармаси 11 та ўқув фанидан ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида тайёрланди.

### **II. Олий ҳарбий таълим бўйича:**

Мамлакатимиздаги 10 та олий ҳарбий таълим муассасаларида жорий йил 10 июль куни тест синовлари ўтказилди. Олий ҳарбий таълим муассасаларида ўтказилган тест синовларида 6163 нафар абитуриент иштирок этди.

### **III. Олий таълим бўйича:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 майдаги “2016-2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги ПП 2534-сонли қарори билан олий таълим муассасаларининг бакалавр таълим йўналишларига 57907 нафар талабалар қабули, шундан, 19120 нафар талаба давлат гранти, 38787 нафари тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиниши ҳамда махсус сиртқи таълим шакли бўйича Тошкент кимё-технологиялари институтининг Қўнғирот бўлимига 65 нафар талаба давлат гранти асосида; Тошкент ахборот технология университетига 15 нафар талаба давлат гранти ва 35 нафар талаба тўлов-контракт асосида талабалikka қабул қилиниши белгиланди.

Тест саволлари жамғармаси давлат таълим стандартлари доирасида Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар академияси тавсия этган 150 нафардан ортиқ малакали мутахассислар иштирокида ўзбек, қорақалпоқ, рус тилларида шакллантирилди.

Республикамиздаги бир қатор олий таълим муассасаларида янги таълим йўналишлари очилди ва қабул квоталари белгиланди.

Жумладан, Тошкент давлат техника университетида 8 та; Тошкент архитектура-қурилиш институтида 3 та; Тошкент кимё-технология институтида 1 та; Алишер Навоий номи Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида 1 та; Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида 1 та; Тошкент тиббиёт академиясида 1 та; Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида 1 та; Тошкент давлат аграр университетида 2 та; Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалида 2 та; Андижон қишлоқ хўжалиги институтида 2 та янги таълим йўналишлари очилди.

Мамлакатимиздаги олий ўқув юртларига 663304 нафар абитуриент ҳужжат топширди ва бир ўринга 11,5 нафар абитуриент талабгорлик қилди.

Республикамиз бўйича талабаликка қабул қилиш учун тавсия этилган абитуриентларнинг ўртача ўтиш баллари: давлат гранти бўйича 152,8 балл; тўлов-шартнома бўйича 132,3 балл бўлди.

Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиалида бир ўринга 24,8; ТерДУда 20,5; Қарши ДУ 18,9 нафар абитуриент тўғри келган.

Алишер Навоий номи Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида 5031 нафар абитуриент ҳужжат топширган.

Мазкур университетнинг ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти таълим йўналиши танловида бир ўринга 19 нафар абитуриент тўғри келган.

2016 йил олий ўқув юртларида тест синовлари 889 та бино, 2516 та кават ва 19830 та аудиторияда ўтказилди, уларда 3481 нафар Давлат тест маркази вакиллари, 19830 нафар аудитория раҳбарлари, 23370 нафар аудитория кузатувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 31 майдаги Қарорига мувофиқ ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларга олий таълим муассасаларига ўқишга киришдаги имтиёзлар сақланиб қолди. Жумладан, муддатли ҳарбий хизматдан бўшаш чоғида олий таълим муассасаларига кириш учун тавсияномаларга эга бўлган ҳарбий хизматчилар учун тест синовида жамғарилиши мумкин бўлган умумий баллнинг 27 фоизи миқдоридagi 61.2 балли имтиёз сақланиб қолган.

Мазкур йилда муддатли ҳарбий хизматдан бўшаш чоғида олий таълим муассасаларига кириш учун тавсияномаларга эга бўлган абитуриентларга бир қатор енгилликлар яратилди ва камида 115 балл тўплаган 1241 нафар абитуриент қўшимча равишда талабаликка тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридa белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг чекка туман (шаҳар)ларидаги умумий ўрта таълим муассасаларига мақсадли равишда инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш учун инглиз тили йўналишларга ҳужжат топшириб, юқори балл тўплаган 117 нафар абитуриент қўшимча равишда ўқишга қабул қилишга тавсия этилди.

*Давлат тест маркази матбуот хизмати*